

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг таҳлили тўғрисида МАЪЛУМОТ

I. 2024 йил давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами **33 395 та** мурожаатлар келиб тушган.

Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали вазирлик тизимига **28 310 та** мурожаат келиб тушган.

Вазирликнинг “**edo.ijro.uz**” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали **5 085 та** мурожаатлар рўйхатга олинган.

Келиб тушган мурожаатларнинг шаклига кўра, **1 545 та (30,4%)** ёзма, **2 470 та (48,6%)** электрон, **468 та (9,2%)** оғзаки шаклдаги мурожаатлар ҳисобланади.

Мурожаатларнинг келиб тушиши, яъни:

Жисмоний шахслардан **30 270 та**;

Юридик шахслардан **3 125 та**.

Мурожаатлар келиб тушганлик масалалари:

– қурилиш ва бино-иншоотларга тегишли йўналишда - **11 477 та (34,7%)**;

– Уй-жойларда –умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш ҳамда бошқарув ташкилотларининг фаолияти бўйича - **16 329 та (48,9%)**;

– Иссиқлик таъминотига тегишли масалалар юзасидан **2 696 та (8,1%)**;

–бошқа масалалар бўйича **2 893 та (8,6%)** мурожаатлар рўйхатга олинган.

Кўриб чиқиш натижалари қуйидагича:

- **25 882 та**си ёки (**77,5%**) ижобий ҳал этилган;
- **3 826 та**сига ёки (**11,5%**) тушунтиришлар берилган;
- **856 та**си (**2,6%**) 25-моддага мувофиқ тегишлилиги бўйича юборилган;
- **54 та**си (**0,2%**) кўрмасдан қолдирилди;
- **188 та**сини (**0,6%**) кўриб чиқиш тугатилган;
- **998 та**си (**3,0%**) айна вақтда ижро жараёнида.

Келиб тушган мурожаатлар марказий аппарат ва ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда:

Марказий аппаратга **6 157 та (18,4%)**;

Қорақалпоғистон Республикаси **989 та (3,0%)**;

Андижон вилояти **842 та (2,5%)**;

Бухоро вилояти **975 та (2,9%)**;

Жиззах вилояти **1 011 та (3,7%)**;

Қашқадарё вилояти **2 046 та (6,1%)**;

Навоий вилояти **1 690 та (5,0%)**;

Наманган вилояти **1 067 та (3,2%)**;

Самарқанд вилояти **1 606 та (4,8%)**;

Сурхондарё вилояти **1 560 та (4,7%)**;

Сирдарё вилояти **572 та (1,7%)**;

Тошкент вилояти **4 315 та (12,9%)**;

Фарғона вилояти **1 166 та (3,5%)**;

Хоразм вилояти **1 266 та (3,8%)**;

Тошкент шаҳар **8 129 та (24,3%)** ни ташкил этади.

II. Тасдиқланган “Сайёр қабул” режа-жадвали асосида раҳбарият томонидан жорий йил давомида мурожаатлар юқори ҳамда кескин ўсган вилоятларда

жами **20 та** “Сайёр қабул”лар ўтказилди. Қабуллар давомида **187 та** турли мурожаатлар келиб тушган.

Натижада, қабулда кўтарилган масалаларнинг **81 таси** ижобий ҳал қилинган, **52 таси** жойида бартараф этилган, **50 тасига** ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ҳамда **4 таси** ижобий ҳал қилиш учун назоратга олинган.

III. Ҳисобот даврида мурожаатларни кўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (**2 нафар**), Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**2 нафар**), Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**3 нафар**), Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**1 нафар**), Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**3 нафар**), Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**2 нафар**), Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**3 нафар**), Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**1 нафар**), Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**13 нафар**) масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилган.

IV. Соҳада аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва такрорий мурожатлар келиб тушишининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

биринчидан, аппарат йиғилишларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати атрофлича муҳокама қилиб борилмоқда;

иккинчидан, Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, барча вилоятларда соҳа

ташкilotларининг бир нафардан масъул ходимлари Халқ қабулхонасига доимий бириктирилди;

учинчидан, мурожаатлар сони ошган ҳудудларга алоҳида эътибор берилган ҳолда барча вилоятлардаги **Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда сайёр қабуллар** ташкил этилмоқда;

тўртинчидан, тизим ташкilotлари томонидан Халқ қабулхоналари билан **ҳамкорликда семинарлар** ташкил этиш йўлга қўйилди;

бешинчидан, Худудий бошқармаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорининг 57-банди талабларига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишга барча шарт-шароитлар яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкilotларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисида” 2022 йил 7 октябрдаги 582-сон қарор билан тасдиқланган низомига асосан, **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Адлия вазирлигида** вазирликнинг марказий аппарати ҳамда вилоят бошқармалари, ва қуйи ташкilotлар жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимларининг **малакалари оширилди;**

олтинчидан, амалга оширилаётган ишлар вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва **оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда;**

еттинчидан, вазирлик тизимида фуқаролар ўз мурожаатларини ўзларига қулай усулда, яъни, оғзаки, ёзма, туну-кун фаолият кўрсатаётган **1298**-қисқа рақамли диспетчерлик хизмати, интернет, порталлар ёки ижтимоий

тармоқлар орқали киритишлари учун барча шароитлар яратилган.